

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЯКУБОВА АЗИЗАХОН САИДКАСИМОВНА**

**ВИТИЛИГО РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИКО-  
ИММУНОГЕНЕТИК ВА БИОКИМЁВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Якубова Азизахон Саидкасимовна**

Витилиго ривожланишининг клинико-иммуногенетик ва биокимёвий  
механизмлари ва даволаш усулини такомиллаштириш. . . . . 3

**Якубова Азизахон Саидкасимовна**

Клинико-иммуногенетические и биохимические механизмы развития  
витилиго и усовершенствование метода терапии . . . . . 21

**Yakubova Azizakhon Saidkasimovna**

Clinical-immunogenetic and biochemical mechanisms of vitiligo development and  
improvement of the therapy method. . . . . 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works . . . . . 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЯКУБОВА АЗИЗАХОН САИДКАСИМОВНА**

**ВИТИЛИГО РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИКО-  
ИММУНОГЕНЕТИК ВА БИОКИМЁВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА  
ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.11 – Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/Tib 1177 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сабиров Улугбек Юсупханович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Вайсов Адхам Шавкатович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат стоматология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги ИБс 04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 1300 22 апрель соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: [tashpmi@mail.uz](mailto:tashpmi@mail.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 534 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2022 йил В апрель кунин тарқатилди.  
(2022 йил «И» апрель даги 133 рақамли реестр баённомаси).



АВ  
**А. В. Алимов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

МН  
**Қ. Н. Хантов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, тиббиёт  
фанлари доктори

АД  
**Д. И. Ахмедов,**  
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда дерматологик касалликлар орасида витилигога чалинганлар сонининг тобора ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «... витилигонинг аҳоли ўртасида тарқалганлик даражаси 0,5–2,0% бўлиб, тери касалликлари орасида ушбу дерматозга чалинганларнинг умумий сони 8,2% ни ташкил этади...»<sup>1</sup>. Замонавий қарашларга кўра «...витилиго барча этник гуруҳлар орасида кузатилади ҳамда бу патология катталар ва болалар, эркаклар ва аёллар, барча ирқ ва тери фототипларида учрайди...»<sup>2</sup>. Касалланиш даражасининг, айниқса, меҳнатга лаёқатли шахслар орасида ўсиши, узоқ давом этиши, даволаш самарадорлигининг пастлиги, нейрпсихологик зўриқтириш, ушбу патологияга чалинган беморлар ҳаёт сифатининг пасайиши, этиопатогенетик механизмлари ўрганилмаганлиги, даволашнинг самарали усуллари яратилмаганлиги, бу эса витилигони эрта ташхислаш, даволаша ва профилактика усуллари самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда витилиго келиб чиқишининг клиник, молекуляр-генетик, этиологик ва патофизиологик хусусиятларини аниқлаш, даволашнинг юқори самарадорлигига эришишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, витилиго ривожланишининг кўзгатувчи омилларни ўрганиш, меланогенезга таъсир қилувчи биокимёвий жиҳатлар, касалликнинг шаклланиши ва клиник кечишида турли популяцияларда номзод генларнинг аллел ва генотипик вариантлари аҳамиятини баҳолаш, биокимёвий ва молекуляр генетик тадқиқотлар асосида витилиго ривожланиши ва клиник кечиши хавфини эрта ташхислаш ва башоратлаш, шунингдек, даволаш алгоритмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикалаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»<sup>3</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида турли тери касаликлари тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усуллари ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига

<sup>1</sup> United Nations, 2018. [www.who.int/maternal](http://www.who.int/maternal)

<sup>2</sup> Bergqvista Ch., Ezzedine K. Vitiligo: A Review. *Dermatology* 2020;236:571–592

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 11 ноябрдаги ПҚ-6-сон « Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кадрлар салоҳиятини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Европа дерматовенерологлар ассоциацияси олимлари илмий мақолаларида: витилиго ривожланишининг сабаблари ва ўзгарган жараёнларни нормаллаштиришга қаратилган даво усулига ёндошув қандай бўлиши керак, каби саволлар хали ҳам муҳокама қилинмоқда. Сўнгги йилларда, кўп изланишлар витамин D (VD) нинг фаол тури витилигонинг патогенези, клиник кечиши ва даволашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди (Al Ghamdi K. et al. 2013). Ушбу витамин меланоцитлар дифференцировкаси ва пролиферациясида фаол иштирок этади ва хужайралар деструкциясидан ҳимоя қилади. Изланувчилар ўтказилган тизимли муҳокама ва мета-таҳлил натижаларига кўра, витилиголи беморларда 25-hydroxyvitamin D миқдори сезиларли даражада пасайган деган хулосага келишди (Varikasuvu S.R., Aloori S. et al. 2021). Бунга қарама қарши равишда бошқа муаллифлар, витамин D миқдорининг витилиголи беморлар ва шартли соғлом инсонлар ўртасида статистик жихатдан фарқ аниқлай олмадилар (Upala S, Sanguankeo A. 2016). Шу муносабат билан, витилиго ривожланишида витамин D миқдорининг аҳамияти касаллик ривожланишидаги хавф омиллари масаласини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади

Хорижий муаллифларнинг маълумотига кўра, витилиго ривожланиш хавфи ва VDR полиморфизми (FokI, BsmI, ApaI and TaqI) ассоциациясини ўрганишда, BsmI-B, ApaI-A и TaqI-t аллелларида витилиго ривожланиш хавфи сезиларли даражада камайиши аниқланди (Li K., Shi Q., et al. 2012). Муаллифлар, VDR полиморфизмлари 25 (OH) D кўрсаткичига билан боғлиқ ва хитой аҳолисининг витилигога генетик мойиллиги мавжуд деган хулосага келишган. Ҳозирги кунда, яллиғланиш чақирувчи интерлейкин-17 (IL-17) айрим иммун тизимига боғлиқ аутоиммун касалликлар патогенезидаги, шу жумладан витилиго ривожланишидаги иштироки олимлар эътиборини жалб этмоқда (Karagün E, Ergin C. et al. 2016). Аммо, адабиётларда патофизиологик жараёнларда ушбу яллиғланиш келтириб чиқарувчи цитокиннинг аҳамияти

аниқланмаган.

Ўзбекистон олимлари витилигонинг тарқалиши, этиологик омиллари, патогенетик механизмларини ўрганиш бўйича Ваисов А.Ш (1989), С.С. Арифов (1994), М.И. Абдуллаев (2005), Б.Т. Саатов (2018), Б.А. Тоиров (2021) илмий изланишлар олиб боришмоқда, бироқ, витилигони ривожланиш хавфини прогнозлаш ва даволаш масалалари уни янада такомиллаштиришни талаб этади. Витилгонинг турларида витамин D ҳамда оксидловчи стресс ҳолатини IL-17 ва VDR генлари полиморфизмида аллел ва генотипик вариантларининг учраш частотаси билан боғлиқлигини ўрганиш ушбу касаллик ривожланишининг патофизиологик жиҳатларини янада чуқурроқ тушунишга имкон беради.

Ўзбек миллатига мансуб витилиголи беморларда ген полиморфизмлари (VDR ва IL-17) ва витамин D миқдори ўртасидаги боғлиқлик адабиётларда акс этмаган. Витилигони даволаш масаласи мураккаблигича қолмоқда. Даволаш натижасида беморлар доим ҳам соғайиш кузатилмайди, баъзан касаллик зўрайиши ҳам мумкин. Шу сабабли замонавий даволаш усуллари на беморлани, на шифокорларни тўлиқ қониқтирмайди. Касаллик асосан аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшда кўп учраши, касалликнинг этиопатогенетик механизмлари тўлиқ ўрганилмаганлиги ҳамда самарли даволаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги дерматовенерологиянинг энг муҳим муаммоси бўлиб қолмоқда. Шунини ҳисобга олган ҳолда, витилигонинг патогенезини молекуляр-генетик, клиник ва биокимёвий нуқтаи назардан ёритиб бериш, касаллик ривожланишини прогнозлаш ва даволаш профилактик чоралари ҳамда комплекс ва индивидуаллаштирилган даволаш усуллари ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази режасига мувофиқ «Ташхис қўйиш, даволаш ва касаллик олдини олишнинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш» (2019–2021) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** витилиго патогенези ва клиник кечишида клиник-иммуногенетик ва биокимёвий кўрсаткичларнинг ролини ўрганиш ва олинган маълумотлар асосида касалликнинг клиник кечишини башоратлаш ҳамда даволаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

витилиго ривожланиши ва клиник кечишида иштирок этувчи омилларни аниқлаш;

витилиголи беморларда IL – 17 ва VDR генлар полиморфизмининг аллел ва генотипик вариантлари учраш частотасини ва қон зардобиди D витамини ва оксидловчи стресс ҳолатини баҳолаш;

D витамини ва оксидловчи стресс ҳолати билан боғлиқ IL – 17 ва VDR генетик маркерларининг витилиго ривожланишига боғлиқлигини аниқлаш;

касаликнинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда витилиголи беморларда генетик ва биокимёвий маркерларнинг прогностик мезонларини ишлаб чиқиш;

ўрганилаётган генлар полиморфизмида генотипик турларнинг учраш даражасига боғлиқ ҳолда ўтказилган даволаш самарадорлигини баҳолаш ҳамда клиник, биокимёвий кўрсаткичлар асосида витилигони даволашнинг самарали усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида 2020–2021 йиллар оралиғида даволанган 133 нафар беморлар, ҳамда 92 нафар соғлом инсонлар олинган.

**Тадқиқот предмети** сифатида молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунофермент текширувлар учун периферик қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунофермент, статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

витилигонинг ривожланиши ва клиник кечишидаги VDR гени BsmI c.IVS7 G>A полиморфизмининг А аллел варианты ташувчилари ўртасидаги боғлиқлиги (OR=1.5; 95% CI:0.915-2.32), жумладан витилиго ривожланиш хавфининг ортиши, айниқса витилигонинг носегментар тури билан ассоциацияланиши ( $\chi^2=2.8$ ; OR=1.5; 95% CI:0.92-2.61) исботланган;

VDR генининг G>A ва IL – 17 генининг G-197A полиморизми гетерозигот вариантлари комбинацияси витилигонинг молекуляр механизмида синтроп таъсир кўрсатиши ва витилиго ривожланиш хавфини уч баробаргача ошириши ( $\chi^2=6.0$ ; p=0.01; OR=3.0; 95% CI:1.21–7.618) исботланган;

витилиго турларининг ривожланиши ва клиник кечишида D витаминининг аҳамияти, ҳамда малондиалдегиднинг салбий корреляцияси ва супероксид дисмутаза фаоллигининг қон зардобидаги D витамини миқдори билан ижобий боғлиқлиги исботланган;

витилиголи беморлар қон зардобида оксидловчи стресс, антиоксидант ҳолат ва D витамини билан IL – 17 ҳамда VDR ген полиморфизмлари ўртасидаги боғлиқлик исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

витилиго ривожланишини прогностлаш, эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларига йўналтирилган комплекс ёндашув ишлаб чиқиш тартиби асосланган;

олинган натижалар витилиго ривожланишининг молекуляр ва генетик механизмларини тушунишга, янги прогностлаш алгоритмининг ҳамда даволаш ва профилактика чора-тадбирлари учун мослаштирилган ёндашув ишлаб чиқиш учун асосланган;

витилигони даволашда ишлаб чиқилган патогенетик усул дерматовенерология муассасаларида синовдан ўтказилган, амалиётга тадбиқ этилган ва унинг самарадорлиги исботланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умум клиник, молекуляр-генетик, биокимёвий, иммунофермент, статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти витилигонинг юзага келиши ва клиникасини башоратлаш, витилигога ўхшаш тери касалликлари келиб чиқишининг наслий мойиллик структураси тушунчасига ойдинлик киритиш усуллари ишлаб чиқилганлиги, беморларда витамин D миқдори ва оксидатив стресс (МДА, СОД) ҳолатининг тадқиқ этилаётган генлар (VDR, IL-17) полиформизмига боғлиқлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти касалликни эрта прогнозлаш, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган. Комплекс антиоксидант ва витамин D сақловчи дори воситаларини қўллаш орқали витилигони комплекс даволаш усули ишлаб чиқилди. Тавсия этилган даволаш усули хавфсиз ва юқори самарали бўлиб, ушбу усул дерматокосметология амалиётида кенг фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Витилиго ривожланишининг клиник-иммуногенетик ҳамда биокимёвий механизмлари ва даволаш усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

витилигони самарали ташхислаш ва даволаш алгоритмларидан фойдаланиш орқали амалга оширилган илмий натижалар асосида «Витилиго патогенезида D витаминининг роли ва даволашнинг комплекс усулини ишлаб чиқиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 18 ноябрдаги 8н-р/443-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома витилиголи беморларда эрта ташхислаш, даволаш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаниш муддатини қисқартириш имконини берган;

витилиго касаллигининг ривожланишида клиник-генетик, иммунофермент ва биокимёвий механизмларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Тиббиёт ҳодимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази дерматовенерология ва косметология кафедраси ўқув жараёнига, шунингдек, Жиззах ҳамда Тошкент вилоят тери ва таносил диспансерларининг клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 1 мартдаги 08-09/6606-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари даволаш самарадорлигини ошириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва даволаш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий сарф харажатларни 1,2 баробар қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика, 1 та Scopus журналида мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Витилиго касаллигининг тарқалиши, этиологияси ва патогенези**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар асосида витилиго касаллигининг этиологияси, патогенези, ички аъзоларнинг аҳамияти, D витаминининг аҳамияти, касалликнинг патогенези ва клиник кечишида оксидловчи стресс ва антиоксидант тизимнинг роли ҳақидаги замонавий қарашларнинг назарий жиҳатлари, шунингдек, унинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Меланогенез патофизиологиясида иштирок этувчи генлар ва цитокинлар генетик полиморфизмининг аҳамияти, турли патологиялар, хусусан, витилиго касаллигининг ривожланишида организмнинг генетик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик атрофлича таҳлил қилинган. Витилигони даволашнинг замонавий методлари изоҳланиб, мазкур тери касаллигига доир бугунги кунга қадар ўз ечимини топмаган жиҳатларга тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи, витилиго билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги даражалари, шунингдек, тадқиқотнинг молекуляр-генетик, биокимёвий ва иммунофермент текшириш усуллари кўрсатилган.

Тадқиқотга витилигонинг турли шакллари билан оғриган ҳамда 2020–2021 йилларда РИДВваКИАТМ давлат муассасаси 1-дерматология бўлимида стационар даволанган 7–68 ёш оралиғидаги 133 нафар бемор жалб этилди. Уларнинг ўртача ёши  $39,0 \pm 1,9$  ёш бўлиб, 86 нафари (66,7%) меҳнатга лаёқатли

(16–60) ёшда. Беморларнинг 63 нафари (47,4%) аёл ва 70 нафари (52,6%) эркак. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги нисбат 1:1,1 ни ташкил этди. Касалликнинг давомийлиги бўйича энг юқори кўрсаткич (20,3%) 1 йилдан 5 йилгача ҳамда ёш гуруҳи бўйича 11–20 ёш оралиғида бўлди.

Витилиго билан оғриган беморларда терининг фототиби Фицпатрик Т. (1987) бўйича аниқланди.

Липидларнинг перекисли оксидланишини (ЛПО) интенсивлигини ўрганиш унинг якуний маҳсулоти – малондиалдегид (МДА) ни текшириш орқали амалга оширилди. Супероксид дисмутаза (СОД) фаоллиги Е.В. Макаренко томонидан таклиф этилган усул (1988) орқали аниқланади. Шу каби кўрсаткичлар соғлом шахсларда ҳам (назорат гуруҳи) ўрганилди.

Витилиголи беморлар ва соғлом шахсларнинг қон зардобидидаги D витамини миқдори, 25-ОН D витамини рақобатбардошлик тамойилига асосланиб қаттиқ фазали иммунофермент таҳлил (ИФТ) тест усулида аниқланди.

Витилиго билан касалланган беморлар ва шартли соғлом донорлардан олинган биоматериалларнинг молекуляр-генетик текшируви РИГИАТМ молекуляр тиббиёт ва хужайравий технологиялар бўлимида (проф. Х.Я. Каримов раҳбарлигида) амалга оширилди. IL – 17 ва VDR генларининг генетик маркерлари витилиго билан касалланган беморларнинг периферик қон лимфоцитларидан ажратиб олинган 95 та ДНК намунаси ва 92 нафар ўзбек миллатига мансуб, қариндош бўлмаган шартли соғлом донорлар олинган қон зардобиди бўйича ўрганилди (назорат намунаси). Беморларнинг периферик қони ҳамда амалий соғлом шахслардан ДНК ажратиш умумқабул қилинган методологияга мувофиқ амалга оширилди.

Касалликнинг оғирлик даражаси International Vitiligo Score Working group Construction and copyright of the VES calculator (2017) томонидан таклиф этилган VES калкулятори ёрдамида аниқланди.

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили жараёнида қўлланиладиган амалий дастурлар пакети ёрдамида уларнинг ўртача арифметиклиги (M), ўртача квадратик оғиш (y), стандарт хатолик (m) ва нисбий қийматларлар (частота, %) ҳисоблаб чиқилиб, статистик ишлов берилди. Статистик нуқтаи назардан муҳим ўзгаришлар сифатида ҳаққонийлик даражаси сифатида  $p < 0,05$  қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Витилиголи беморларнинг клиник характеристикаси**» деб номланган учинчи бобида витилиго касаллигининг келиб чиқиши ёхуд ривожланишига сабаб бўлган асосий омиллар, витилиго билан бирга кечадиган касалликликлар таҳлил қилиниб, беморларда касалликнинг клиник кўриниши ва кечишини ҳисобга олган ҳолда витилиго турларга ажратилди. Касалликнинг бошланишини таҳлил қилинганда 110 нафар (82,7%) бемор витилигонинг келиб чиқишини турли сабаблар билан боғлаб кўрсатди, жумладан, уларнинг 51 нафари (38,3%) – асабийлашиш-психик ва стрессли вазиятлар, 16 нафари (12,0%) – ирсий мойиллик, 12 нафари (9,0%) – ички аъзолар патологияси, 10 нафари (7,5%) – механик ва жисмоний жароҳатлар, 8 нафари (6,0%) – гижжа инвазияси, 7 нафари (5,3%) –

қалқонсимон без касалликлари, 6 нафари (4,5%) – қуёш инсоляция билан боғлади. Қолган 23 нафар (17,3%) бемор витилиго сабабини кўрсата олмадилар.

Тадқиқотга жалб этилган 133 нафар бемордан 42 нафарида (31,6%) витилигонинг сегментар тури, 91 нафарида (68,4%) – носегментар тури ташхисланди. Касалликнинг сегментар тури жинс бўйича тенг тақсимланган, яъни ҳар бир гуруҳда беморлар сони 21 нафардан. Носегментар турида эса эркаклар аёллардан сон жиҳатдан бироз устунликка эга бўлди (1,2:1). Витилиго билан касалланган 98 нафар (73,7%) беморда йўлдош касалликлар аниқланди ва улар витилиго турига кўра фарқланди. Ёндош касалликларни ўрганилганда, касалликнинг сегментар турида неврологик (52,4%), меъда-ичак тракти касалликлари (23,8%) ташхиси носегментар турдаги беморларга нисбатан кўпроқ (мос ҳолда 9,9% ва 20,9%) аниқланди. Эндокрин тизим патологиялари (30,8%), аутоиммун касалликлар (3,3%) ва ревматологик патологиялар (2,2%) носегментар турдаги беморларда кўпроқ кузатилди. Депигмент доғларнинг жойлашиши ўрганилганда касалликнинг сегментар тури бўлган беморларда 47,6% ҳолатда – юз, бўйин ва бошнинг сочли қисми терисида, 21,4% ҳолатда – танада ва 28,6% ҳолатда – қўл ва оёқда жойлашганлиги қайд этилди. Носегментар турдаги беморларнинг 51,6% ида депигмент ўчоқлар танада, 25,2% ида – қўл ва оёқларда, 22% ида – юз, бўйин ва бош терисида жойлашган. Кўриш мумкинки, касалликнинг ҳар иккала турида ҳам патологик элементлар жойлашиши сезиларли даражада фарқланди. Терининг депигмент соҳаларида соч толаларининг рангсизланиши касалликнинг сегментар тури бўлган 21 нафар (50%), носегментар тури бўлган 10 нафар (11%) беморда кузатилди.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқот натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида молекуляр-генетик ва биокимёвий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Биокимёвий тадқиқотларда малондиалдегид миқдори, СОД фаоллиги, иммунофермент текширувда эса D витамини даражаси ўрганилди. Витилиго билан оғриган 116 нафар беморнинг қон зардобидаги D витамини миқдори иммунофермент текширув усулида касалликнинг давомийлиги, клиник кўриниши, кечиши ва беморлар ёшига кўра ўрганилди.

Беморларнинг 64 нафари эркаклар (55,2%) ва 52 нафари аёллар (44,8%) бўлди. Қон зардобида D витамини танқислиги витилиго билан оғриган 74 нафар (63,8%) беморда аниқланди ва унинг ўртача қиймати  $12,3 \pm 0,43$  нг/мл ни ташкил этди ва назорат гуруҳидан статистик жиҳатдан ишончли фарқларга эга бўлди ( $35,4 \pm 1,2$  нг/мл,  $p < 0,001$ ). Шунга кўра 30 нафар (25,9%) беморда D витамини даражаси организмда ушбу витаминнинг етарли бўлмаган миқдорига ( $24,3 \pm 0,80$  нг/мл) тўғри келади ва назорат гуруҳига нисбатан ишончли паст бўлди ( $35,4 \pm 1,2$  нг/мл,  $p < 0,001$ ). 12 нафар (10,3%) беморда D витамини миқдори 30 нг/мл га тенг ёки ундан юқори бўлиб, бу витаминнинг етарли даражасига тўғри келди ва статистик жиҳатдан назорат гуруҳи кўрсаткичларидан фарқ қилмади ( $35,4 \pm 1,2$  нг/мл,  $p > 0,05$ ) (1-жадвал).

**Витилиголи беморлар витамин D миқдориغا нисбатан тақсимоти (нг/мл)**

Витамин D миқдори	M±m	Беморлар сони	
		абс.	%
Назорат гуруҳи	35,4±1,2	42	100
Витилиголи беморлар	18,2±0,58*	116	100
<20 нг/мл -танқислик	12,3±0,43*	74	63,8
21-29 нг/мл –етишмовчилик	24,3±0,80*	30	25,9
≥ 30 нг/мл – етарлича	39,7±1,4	12	10,3

Изох: \*-ишончилилик кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан олинган (\*-p<0,001)

Липидларнинг переокисли оксидланиши якуний маҳсулоти бўлган малондиалдегид текшируви шуни кўрсатдики, витилиголи беморлар қон зардобдаги малондиалдегид (МДА) даражаси (1,45±0,01 нмоль/мл) соғлом шахслардаги ушбу кўрсаткичга нисбатан ишончли юқори бўлди (1,24±0,02 нмоль/мл, p>0,001). Шунингдек, витилигонинг сегментар ва носегментар турлари билан ҳам назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан МДА (p>0,001) миқдорининг статистик жиҳатдан ишончли ўсганлиги кузатилди.

Супероксид дисмутаза (СОД) ёрдамида антиоксидант фаоллик ҳолати ўрганилганда ушбу фермент миқдори витилиго билан касалланган беморларда (44,95±0,85 ш.б.) назорат гуруҳига нисбатан пасайганлиги аниқланди (54,12±0,59 ш.б., p<0,001). Витилигонинг сегментар туридаги беморларда СОД фаоллиги (48,94±0,80 ш.б) назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан ишончли паст бўлди (54,12±0,59 ш.б., p<0,01). Шунингдек, носегментар турдаги витилиголи беморларда СОД миқдори (42,44±1,19 ш.б.) назорат гуруҳи кўрсаткичиги нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли пасайганлиги кузатилди (54,12±0,59 ш.б., p<0,001).

Витилиго билан касалланган беморларда D витамини ҳолатига боғлиқ ҳолда МДА ва СОД кўрсаткичларини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. D витамини танқислиги кузатилган беморларда МДА миқдори (1,43±0,05 нмоль/мл) статистик жиҳатдан сезиларли ўсганлиги (p<0,05) ва СОД фаоллигининг (45,88±1,6 ш.б., p<0,001) назоратга гуруҳига нисбатан (мос ҳолда 1,24±0,04 нмоль /мл, 54,12±1,9 ш.б) сезиларли даражада камайганлиги кузатилди (2-жадвал).

Шундай қилиб, D витамини етишмовчилиги бўлган беморларда МДА миқдори 1,48±0,05 нмоль/мл, СОД эса 44,29±1,5 ш.б. ташкил этди ва бу назорат кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли фарқ қилди (p<0,01). D витамини миқдори етарли даражада бўлган беморларда МДА (1,40±0,05 нмоль/мл) миқдори назорат кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан фарқ қилмади, бунга қарама-қарши ўлароқ, D витамини етарли даражада бўлган беморларда СОД миқдори (40,2±1,3 ш.б.) назорат кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан юқори бўлди (p<0,001). Шунга кўра айтиш

мумкинки, олинган маълумотлар D витамини антиоксидант таъсирга эга эканлигини тасдиқлайди.

## 2-жадвал

### Витилиголи беморларда МДА ва СОД кўрсаткичларининг витамин D миқдори билан боғлиқлиги.

Витамин D миқдори	МДА М±m	Назорат гуруҳи	СОД М±m	Назорат гуруҳи
< 20 нг/мл (Вит D танқислиги)	1,435±0,049*	1,24±0,043	45,88±1,6**	54,12±1,9
21-29 нг/мл (Вит D етишмовчилиги)	1,483±0,051**		44,29±1,5***	
≥ 30 нг/мл (Вит D миқдори етарли даражада)	1,401±0,046*		40,2±1,3***	

Изох: \*-ишончилилик кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан олинган (\*-p<0,05; \*\*-p<0,01; \*\*\*-p<0,001)

IL – 17A генининг G-197A ва Bsm1 c.IVS7 G>A генининг VDR генлар полиморфизми 95 нафар беморда текширилди. IL – 17A гени G-197A полиморфизми текширувида аниқландики, витилиго билан оғриган беморларнинг умумий гуруҳ намунасида доминант G197 аллел назорат гуруҳига нисбатан (мос ҳолда 66,3% га қарши 69,6%;  $\chi^2=0,4$ ; p=0,5) статистик жиҳатдан ишончсиз даражада пастлиги кузатилди. Минор аллел – 197A эса, аксинча, витилиго билан оғриган беморларда назорат намунаси вакилларига нисбатан кўпроқ кузатилди (мос ҳолда 33,7% қарши 30,4%;  $\chi^2=0,4$ ; ва p=0,5) (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Витилиголи беморлар ва назорат гуруҳида IL-17A гени G-197A полиморфизмининг аллел ва генотиплари учраш частотаси

N	Гуруҳлар	Аллеллар частотаси				Генотиплар учраш частотаси					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий (n=95)	126	66,3	64	33,7	39	41,0	48	50,5	8	8,4
A	Носегментар (n=60)	74	61,7	46	38,3	21	35	32	53,3	7	11,7
B	Сегментар (n=35)	52	74,3	18	25,7	18	51,4	16	45,7	1	2,9
2	Назорат гуруҳи (n=92)	128	69,6	56	30,4	43	46,7	42	45,6	7	7,6

Шунингдек, IL – 17A генининг G-197A полиморфизми текширилганда аллел ва генотипик вариантларнинг учраш частотаси витилиго билан оғриган

беморлар гуруҳи ҳамда назорат гуруҳидан олинган намуналарда сезиларли фарқларга эга бўлмади ( $\chi^2 < 3,84$ ;  $p > 0,05$ ). IL – 17A гени G-197A полиморфизмининг A/A гетерозигот генотиби частотаси витилиголи беморларда назорат гуруҳига нисбатан бироз пасайганлиги қайд этилди (мос ҳолда 2,9% қарши 7,6%) ва бу ушбу генотипда витилиго ривожланиш хавфи ортишини кўрсатади.

Шартли соғлом донорлар орасида G/G генотиби ташувчисининг нисбати витилиголи беморларга нисбатан бир мунча юқори эканлиги аниқланди (мос ҳолда 46,7% қарши 41,0%;  $\chi^2 = 0,6$ ;  $p = 0,4$ ) ва бу ушбу генотипнинг витилиго ривожланишига протектив таъсири билан боғлиқ эмас (OR=0,9 да 95% CI: 0,55–1,33).

Беморларнинг NSV ва SV гуруҳлари орасида IL – 17A гени G-197A локуси аллел ва генотиплар частотаси қиёсий таҳлил қилинганда аллелларнинг сезиларли фарқларга мойиллиги аниқланди. NSV гуруҳидаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан гетерозигот минор вариант 197A аллели частотасининг ошиб бориш тенденцияси кузатилди (38,3% қарши 30,4%, мос равишда  $\chi^2 = 2,0$ ;  $p = 0,2$ ).

Тадқиқотдан олинган натижалар витилигонинг шаклланиши ва клиник кечиши ҳамда VDR генининг Bsm1 с.IVS7 G>A полиморфизми ташувчанликка мойил аллел вариантлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди (OR=1,5; 95% CI:0,915–2,32). Беморларнинг асосий гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан гомозигот G/G генотиби частотасининг камайишиб бориши аниқланди (мос ҳолда 47,4% қарши 59,8% га;  $\chi^2 = 2,9$ ;  $p = 0,1$ ) ва ушбу генотипда витилигога мойиллик хавфи назорат гуруҳига нисбатан 0,6 баробар паст бўлди (OR=0,6; 95% CI:0,339–1,079). A аллел варианты витилиго ривожланиш хавфининг ортиши ва NSV билан ассоциацияланади ( $\chi^2 = 2,8$ ; OR=1,5; 95% CI:0,92–2,61), бу ушбу аллел варианты ташувчиларида тери пигментацияси бузилишга мойилликни тасдиқлайди (4-жадвал).

### 3-жадвал

#### Витилиголи беморлар ва назорат гуруҳида VDR гени Bsm1 с.IVS7 G>A полиморфизмининг аллел ва генотиплари учраш частотаси

N	Гуруҳлар	Аллелар частотаси				Генотиплар учраш частотаси					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий гуруҳ (n=95)	134	70,5	56	29,5	45	47,4	44	46,3	6	6,3
a	Носегментар (n=60)	83	69,2	37	30,8	28	46,7	27	45,0	5	8,3
b	Сегментар (n=35)	51	72,9	19	27,1	17	48,6	17	48,6	1	2,9
2	Назорат гуруҳи (n=92)	143	77,7	41	22,3	55	59,8	33	35,9	4	4,3

VDR генининг минор А аллели статистик аҳамиятга эга бўлмаган ҳолда (OR=1,5, юқори ишонч интервалида 95% CI:60,92–2,61) NSV ривожланишини рағбатлантирувчи таъсирга эгаллиги аниқланди ( $\chi^2=2,8$ ;  $p=0,1$ ). Аксинча, майор G аллели NSV (OR=0,6)га нисбатан протектив хусусиятларга эга. Шунингдек, VDR гени BsmI с.IVS7 G>A полиморфизми ва вителигонинг SV тури ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланмади.

Вителиго ривожланиш хавфида VDR гени G>A ва IL – 17 гени G-197A полиморф вариантларининг «ўзаро ген-генлар таъсири» шаклидаги муҳим синтроп таъсири аниқланди. Ушбу локусларнинг иккита гетерозигот генотипик вариантлари комбинацияси вителиго ривожланиш хавфини 3 баробар оширди ( $\chi^2=6,0$ ;  $p=0,01$ ; OR=3,0; 95% CI:1,21–7,618).

IL – 17 гени G-197A полиморфизми ва оксидловчи стресс тизимининг антиоксидант фаоллиги билан боғлиқ ҳолатни вителиго касаллигида ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Яллиғланиш келтириб чиқарувчи IL – 17 ген номутанасоблиги ва перекисли оксидланиш кучайиши яллиғланиш жараёнининг ривожланишига олиб келади.

IL – 17 гени G-197A полиморфизми A/A генотип ташувчи вителиголи беморларнинг умумий гуруҳига нисбатан таққосланганда МДА нинг ( $1,64\pm 0,06$  нмоль /мл,  $p<0,05$ ) статистик жиҳатдан сезиларли ошганлиги ( $30,93\pm 1,0$  ш.б.;  $p<0,001$ ) ва СОД фаоллигининг ишончли пасайганлиги кузатилди (мос ҳолда  $1,45\pm 0,05$  нмоль/мл ва  $44,95\pm 1,5$  ш.б. мос равишда). G/G ва G/A генотип ташувчи беморларда МДА миқдори ва СОД фаоллиги вителиголи беморларнинг умумий гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан фарқ қилмади.

Вителиго билан оғриган беморлар қон зардобидида МДА миқдори ва СОД фаоллиги VDR гени BsmIc. IVS7 G>A полиморфизми генотипларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилганда VDR гени BsmIc. IVS7 G>A полиморфизми A/A генотипида МДА миқдори энг юқори ( $1,66\pm 0,059$  нмоль/мл,  $p<0,05$ ) ва СОД фаоллиги жудаям ( $33,61\pm 1,1$  ш.б.),  $p<0,001$ ) паст кўрсаткичларга эга бўлди ва улар статистик жиҳатдан вителиголи умумий гуруҳдан сезиларли даражада фарқ қилди.

Вителигонинг турли клиник шакллари аниқланган беморлар қонидаги D витамини миқдорининг IL–17 ген G-197A полиморфизми генотипларига боғлиқлиги ўрганилганда A/A генотип ташувчиларида ушбу витамин миқдорининг энг паст даражаси аниқланди ( $18,05\pm 0,72$  нг/мл), бундан ташқари G/G ва G/A генотип кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан фарқ қилди ( $p<0,001$ ). Вителигонинг сегментар тури билан оғриган G/G ва G/A генотипларини ташувчи беморларда ушбу витамин даражаси организмнинг етарлича таъминланмаганлиги чегарасида бўлди ва  $24,1\pm 0,92$  нг/мл ва  $24,8\pm 0,97$  нг/мл ни ташкил этди, бу A/A генотипига нисбатан ( $19,7\pm 0,0$  нг/мл) статистик ишончли юқори ( $p<0,001$ ).

Вителиголи беморларда D витамини миқдори VDR гени BsmIc. IVS7 полиморфизми генотипларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилганда ушбу ген A/A генотип ташувчи беморларида D витамини миқдорининг танқислиги қайд этилди ( $14,9\pm 0,56$  нг/мл), бундан ташқари D витамини миқдори



етишмовчилиги кузатилган G/G ( $21,87 \pm 0,8$  нг/мл) ва G/A ( $20,13 \pm 0,75$  нг/мл) генотипли беморларга нисбатан сезиларли даражада статистик фарқларга эга бўлди ( $p < 0,001$ ).

